

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

2022
1-son

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal

ISSN 2181-8274





*Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal.
1996-yilda tashkil etilgan.*

Tahrir hay'ati raisi:

Sh.U.Yakubov

Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or
texnologiyalarni tatbiq etish markazi direktori

Tahrir hay'ati raisi o'rinbosari:

M.X.Esanov

Bosh muharrir:

A.T.Eshmurudov

Bosh muharrir o'rinbosari:

A.A.Sabriyev

Tahrir hay'ati a'zolari:

L.R.Zaripov

M.Tajiyev

Sh.A.Rasulov

G.K.Baxodirova

S.Q.Maxsumova

S.S.Samandarova

O.N.Toshpulatov

S.S.G'oziyev

Sh.Sh.Sabirova

Jamoatchilik kengashi a'zolari:

Q.X.Abduraxmanov

Sh.T.Qudratxo'ja

G.Sh.Rixsiyeva

Sh.S.Sirojiddinov

R.I.Xolmurodov

A.I.Toshpulatov

N.M.Jabborov

M.A.Raxmatullaev

T.Z.Teshabayev

M.Q.Sultonov

Dizaynerlar:

M.Yo'ldashev

Sh.B.Sobirov

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

Bobir Azimov, Fazliddin Toshev, Dilnoza Raximova.

“Ilmiy tadqiqot va innovatsion faoliyatni tashkil etish va
moliyalashtirish modellari” 4

Jasurbek Azamov.

“Oliy ta'limda boshqaruv samaradorligini oshirish va uni bozor
qonuniyatlariga moslashtirish tamoyillari” 9

Тармиза Хурвалиева, Раъно Носирова.

“Мақтабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш
тамойиллари ва самарали йўллари” 12

Ахмад Мухамметов.

“Спорт-соғломлаштириш машғулотларида юкламаларни
меъёрлаштиришнинг илмий асослари” 17

Sojida Ashirova.

“Shaxs psixologiyasida pozitivlik va uning “ijobiy psixologiya”da
talqin etilishi” 21

Эргаш Махманов.

“Физикадан лаборатория машғулотларини инновацион ёндашув
асосида ўтказиш орқали талабаларнинг физик компетентлигини
шакллантириш” 24

Surayyo Arziqulova.

“Qo'g'irchoq teatri personajlarini yasash orqali maktabgacha yoshdagi
bolalar badiiy-ijodiy qobiliyatlarini shakllantirishning tarbiyaviy
ahamiyati” 30

Lazizbek Abdirahmonov.

“Jismoniy madaniyat talabalarining uzluksiz pedagogik amaliyot davrida
o'z-o'zini takomillashtirish jarayonining ta'limiy asoslari” 33

Orzigul Ruziyeva.

“Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida integratsiyalashgan mashg'ulotlar
jarayonida musiqiy idrokni shakllantirish pedagogik shart sharoitlar” 36

Нурислом Худойбердиев.

“Мақтаб ўқитувчиларининг ахборот-коммуникатив компетентлигини
ривожлантиришда хорижий тажриба” 39

Ҳамида Мирсултанова.

“Ахборот манбаси тушунчаси ва унинг журналистика тараққиётидаги
ўрни” 42

Muassislar:

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi,

Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or texnologiyalarni tatbiq etish markazi

Manzil: 100095, Toshkent shahri, Olmazor tumani, Shifo nur ko'chasi, 75-uy

Telefon: (71) 207-03-41

e-mail: rmxat@edu.uz

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligidan 2014 yil 26 dekabrda 0506 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.

Jurnal har oyda o'zbek, rus va ingliz tillarida elektron shaklda chop etiladi.

“Ta’lim, fan va innovatsiya”
jurnali O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi
Rayosatining 2015 yil 18 noyabrda
218/5-sonli qarori bilan 13.00.00 –
PEDAGOGIKA FANLARI bo'yicha,
2018 yil 28 noyabrda 247/6-sonli
qarori bilan 23.00.00 – SIYOSIY
FANLAR bo'yicha doktorlik
dissertatsiyalari asosiy ilmiy
natijalarini chop etish tavsiya etilgan
ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

“Ta’lim, fan va innovatsiya”
jurnalidan ko'chirib bosish faqat
tahririyatning roziligi bilan amalga
oshiriladi. Maqolada keltirilgan
faktlarning to'g'riligi uchun muallif
mas'uldir. Tahririyat fikri mualliflar
fikriga mos kelmasligi mumkin.

Jurnalning to'liq matnini esijournal.uz rasmiy saytidan yuklab olishingiz mumkin.

*Maqola va murojaatlaringizni
[@esijournalbot](https://t.me/esijournalbot) telegram bot'iga yuboring.*

Umar G'oyimov.

“Boshlang'ich ta'lim yo'nalishi talabalarining refleksiv qobiliyatini shakllantirishda pedagogik metodlar” 46

Лайло Шахридинова.

“Способы повышения физической активности у женщин старшего возраста” 49

Шаҳобиддин Мусаев.

“Оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя қилиниши таҳлили” 52

Шахноза Холова.

“Талаба қизлар жисмоний фаоллигини ошириш методикаси” 55

Sadriddin Xodjibekov.

“Texnik oliy o'quv yurti talablarini o'qitishda kimyo ta'limni tashkil etish” 59

Ирода Расулова.

“Оиладаги шахслараро зўравонликка мойил хулқ-атворнинг намоён бўлиш мотивлари” 62

Мухлис Сафаров.

“Фан-таълим интеграциялашувининг ёшлар сиёсий онги ва маданияти модернизациялашишига таъсирининг футурологик истикболлари” 65

Санобар Кулдашева.

“Она тилини ўқитишда мультимедиа воситалари асосида ёндашув” ... 69

Турсун Ҳайитов.

“Жисмоний маданиятни шакллантириш масалалари” 72

Меҳринигор Раупова.

“Квазипрофесионал фаолият ва унинг аҳамияти” 77

Lutfulla Nurmaxmatov.

“Kredit moduli asosida talabalar bilimini baholash tizimining ahamiyati va taraqqiyot bosqichlari” 81

Gulhayo Sayfullayeva.

“Astronomiyani o'qitishda planetariy dasturlarning o'rni va ahamiyati” ... 84

Акбаржон Расулов.

“Иқтисодий билим асослари” бўйича фан ойлигини ўтказиш юзасидан методик тавсия” 87

Сайёра Тўраева.

“Ўқитувчилар мослашувчанлик компетентлигини ривожлантиришнинг айрим масалалари” 90

Anvarjon Tuychiyev.	
“Scientific approaches to public-private partnership in the transport system of Uzbekistan”	94
Гуласал Ходжикаримова.	
“Интегративный подход к процессу подготовки педагогов будущего технологического образования”	98
Эркин Бозоров, Лола Зоирова.	
“Изучение и использование взаимосвязи величин измерения радиации методом “мини-лекция”	102
Нигора Акбарова.	
“Тиббиёт коллежларида ўрта тиббий ходимлар тайёрлаш методикасини инновацион технологиялардан фойдаланиб такомиллаштириш”	105
Куатбай Канглибеков.	
“Талабалар мустақил ва ижодий ишини ташкил этишнинг шакли ва мазмуний хусусиятлари”	108
Антонина Кошелева.	
“Психологические аспекты духовно-нравственного воспитания молодёжи Узбекистана”	111
Muhammad Yo‘ldashev.	
“Raqamli va mobil tibbiyotni joylarda tatbiq etishning afzalliklari va yutuqlari”	114
Gulhayo Sayfullayeva.	
“Astronomiya fanidan talaba bilimini baholashda learningapps dasturidan foydalanish imkoniyatlari”	118
Фарзона Алимова.	
“Образовательный веб-квест как средство формирования проективной компетенции”	122
Шахноза Холбутаева.	
“Замонавий шароитда HR-консалтинг хизматлари бозорининг ривожланиши”	126
Анвар Яшнарьбеков	
“Ўзбекистон қонунчилик тизимида юридик-техник нормаларнинг ифодаланиши ва унинг ўзига хос аҳамияти”	131
Ирода Мирахмедова, Ольга Ахмеджанова	
“Основные понятия методики обучения РКИ (Русский как иностранный)”	134
Зокир Рахимов.	
“Амалий ўқитиш методлари таълим самарадорлигига эришиш омили сифатида”	137
Манзура Келдиёрова.	
“Бўлажак ўқитувчиларда касбий педагогик маданиятни шакллантириш”	144
Ёкутхон Эркабаева.	
“Номоддий маданий мерос – миллий қадриятларнинг муҳим таркибий қисми сифатида”	150
Saidjalolxon Gaziyeu, Muhammad Yo‘ldashev.	
“Oliy ta’lim muassasalarini boshqarishda axborot tizimlari va raqamlashtirishning o‘rni hamda afzalliklari”	153
Шухрат Якубов.	
“Хуқуқий фанлар асосига оид муҳим ўқув адабиёти яратилди”	156

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ АТРОФ-ОЛАМ БИЛАН ТАНИШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

Тармиза Хурвалиева,

педагогика фанлари (DSc) доктори, доцент;

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Мактабгача таълим факультети профессори

Раъно Носирова,

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада мактабгача ёшдаги болаларни атроф-олам билан таништириш мазмуни ва ўзига хос педагогик жиҳатлари ёритилган. Болаларни атроф-олам билан таништириш методлари ва тамойиллари хусусида сўз юритилади. Атрофдаги олам билан таништириш машғулотида таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларни амалга ошириш методикаси баён этилган.

Калит сўзлар: атроф-олам, метод, тамойил, кузатиш, коммуникатив, бадиий-эстетик.

Аннотация

В статье освещается содержание и педагогические аспекты ознакомления с окружающим миром детей дошкольного возраста. Обсуждаются методы и принципы ознакомления детей с окружающим миром. Описана методика реализации учебно-педагогических и развивающих заданий на занятие ознакомления с окружающим миром.

Ключевые слова: окружающий мир, метод, принцип, наблюдения, коммуникативные, художественно-эстетическая.

Annotation

The article highlights the content and pedagogical aspects of familiarization with the surrounding world of preschool children. The methods and principles of familiarizing children with the outside world are discussed. The methodology for the implementation of educational, pedagogical and developmental tasks for the lesson of acquaintance with the outside world is described.

Keywords: the world around, method, principle, observation, communication, logical-figurative memory.

Болаларга атроф-оламга оид билим беришда тарбиячилар турли метод ва усуллардан фойдаланади. Шундай усул ва методлар танланиши керакки, болалар бевосита атроф-оламни идрок этиши ва кўникмаларни ўзлаштириши таъминлансин. Бундай методларга кузатиш, тажриба, меҳнат, ўйин қабилар қиради. Шу каби методлар қаторида тарбиячи ҳикоя қилади, бадиий асарлар ўқиб беради, суҳбат ўтказди, табиий материаллар ёки уларнинг тасвирини намоиш этади. Методларнинг натижавийлиги ва турличалиги тарбиячи маҳорати билан тавсифланади. Кичик ёшдаги болаларда ҳиссий идрок катта аҳамиятга эга, шунинг учун кузатиш асосий метод ҳисобланади. Табиат ҳодисаларини кузатиш даврида бола табиий ҳолатда бўлади, мавсумий ўзгаришларни кўриш, табиатдаги ўзгаришлар инсон ҳаёти талабига мос келиши ва табиат унга хизмат қилишини англай бошлайди. Кузатишнинг афзаллиги шундаки, машғулотда бола атроф-оламни, ўсимлик ва ҳайвонларни кўриш имкониятига эга бўлади. Кузатиш болаларга илк дунёқарашни шаклланишига ёрдам беради, атроф-оламдаги воқеаларнинг ўзаро боғлиқлиги борасида, оламни

тушунишга оид тасаввур пайдо бўлади. Боғ ва дала-ларни кузатиш бола диққатини жалб қилади, тарбиячи раҳбарлигида кейинги машғулот учун турли материаллар йиғилади ва табиат бурчагида кузатилади.

5-7 ёш болаларда атроф-олам билан танишиш натижасида билиш, ўз-ўзига таълим бериш, ўз соғлигини сақлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, коммуникатив, ахборот технологияларидан фойдалана олиш компетенциялари мустаҳкамланади.

Болалар турли буюмлар ўртасидаги хусусиятлар, белгиларни фарқлай олади ва уларни вазифаси ҳамда ўхшашлигига кўра гуруҳларга ажратади. Беш ёшдаги болалар нарс ва буюм, ҳодисаларга қизиқади ва саволлар билан мурожаат қилади. Бу ёш босқичида жуда кўп маълумотлар олишга мойил бўлади. Болаларни жамият ҳаётидаги ҳодисалар билан таништириш инсонлар ҳаёти ва меҳнатининг асосий негизи ҳисобланади. Табиат олами билан танишганда бола табиатнинг бир бўлаги, яъни субъекти эканини англайди, пировардида, ақлий тарбия ҳам юзага келади [7, 11-12].

Мазкур жараёнда коммуникатив-билиш фаолияти (болаларда атроф-олам ҳақида яхлит тасаввурлар-

ни шакллантириш ҳамда нарса-буюмлар, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга қизиқтириш) тамойилига амал қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда инсонлар ҳаёти, ўсимлик ва ҳайвонот олами, уларнинг яшаш шароити ҳақида билимларни тизимлаштириш ҳамда нарса-буюмларнинг (кийим, оёқ кийим, идиш-товок, мебел жиҳозлари) инсонларга зарурлиги, вазифаларини ўргатиш, ўзи ҳақидаги илк тасавури, ижтимоий муҳит ва мулоқотчанлик компетенцияси ривожлантирилади. Болаларнинг истагини бажариш унинг мавжуд имкониятига зид келиши мумкин. Бундай зиддиятли ҳолатлар ўйин орқали бартараф этилади. Борлиқ ва атроф билан танишиш жараёнида болаларда идрок ривожланади, улар бир вақтнинг ўзида турли белги ва хусусиятларни ўрганади. Болаларда умумлаштириш ва муҳокама қилиш кўникмаси шаклланади, бироқ вазиятларнинг кўринарли белгиларини намойиш этишда қийинчилик рўй беради. Ҳаёл ва тасаввур, диққат ривожланади, ихтиёрсиз диққат ихтиёрий диққатга кўча бошлайди, тобора дунёқараш кенгая боради. Болаларда жисмоний маданият, нутқ, ижтимоий-ҳиссий кўникма, мусикавий қобилиятлар атроф-олам таъсирида ривожланади. Болалар берилган режа бўйича мустақил ҳаракат қилиш кўникмаси, буюмларнинг белги ва хусусиятини тасаввур қилиш малакасига эга бўлади. Буюм-нарсаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини (тузилиши, вазифаси, номланиши, бўшлиқда жойлашуви) англайди. Атроф-олам ҳақида билимга эга бўлиш орқали болаларда тизимли фикрлаш, билим, кўникма ва компетенциялар шаклланади. Натижада, бола атроф-муҳитга мослашиб ижтимоий ҳаётга қадам ташлайди. Болалар юз бераётган ҳодисаларга муносабат билдиришга тайёрланади, унинг асосида маънавий қарашлар, ўзига ишонч пайдо бўлади. Бола берилаётган маълумот ҳақида кўпроқ фикрлайди ва саволлар беради ҳамда ёш хусусиятига мос маълумотларни олишга тайёр бўлади. Бола жамоада тенгдоши орасида бўлганида ўз атрофидаги олам билан муносабатга киришади, барча вазиятларни таҳлил қилишни ўрганади, шунингдек, шахсий хулосалар чиқаради. Агарда катталар томонидан бола берган саволларга етарли даражада жавоб берилмаса ёки умуман саволларга жавоб айтилмаса, боланинг билишга бўлган қизиқиши пасаяди, баъзида эса қизиқиш буткул йўқолади. Атроф-оламни бола асосан ўйин муҳитида ўрганади. Ўйин ва машғулотлар орқали болада атроф-олам ҳақида тушунча ҳосил бўлади. Ўқув топшириқлари боланинг ижтимоий муҳитда ўз ўрнини эгаллашига туртки беради. Машғулотда шундай усулларни қўллаш лозимки, бола ўз тажрибаси асосида сабаб ва оқибатларни аниқлай олсин. Атрофдаги олам билан таништириш машғулоти расм, аппликация, лой ва пластилин билан ишлаш

ҳамда ролли ўйинлар билан уйғунлаштирилади. Бола ўйин шаклида ўқув материални яхши тушунади ва эслаб қолади. Бола ёшига мос эртак қаҳрамони ролини ўйнаш натижасида ўзини намоён этади.

Болалар эртак қаҳрамони образи билан мураккаб бўлмаган тажрибалар ёрдамида танишади, тарбиячи таълимий вазиятни назорат қилиб туради, керак бўлганда тушунчалар беради ва нима қилса яхши натижага эришиш мумкинлигини тушунтиради. Болалар ўзи қандай ечим топишни ўрганади ва илк кашфиётчилик кўникмаларини эгаллайди. Болалар учун атроф-олам жуда катта ва ўрганилмаган бир мўъжиза ҳисобланади. Болалар бутун оламни катталардек тасаввур қила олмайди. Бола макон ва замонда ўзини англаши ва шахс сифатида ўрнини топиши учун илк ёшидан унда яқинлари, Ватанига меҳр-муҳаббат, шунингдек, эзгулик ва масъулият ҳиссини тарбиялаши керак. Бундан ташқари, атроф-оламга эҳтиёткорона муносабат ҳамда катталарга ҳурматда бўлишга ўрганади. Катталар бола қандай бўлишини истаса, ўзлари шуни намойиш қилиши зарур.

Мактабгача таълим ташкилотида болаларни атроф-олам билан таништиришда тизимлилик, комфорт муҳит, гендер, мослашувчанлик, педагогик марказ, ўлчамлилик тамойилига таянилади.

Қуйида санаб ўтилган тамойилларга тўхталиб ўтамиз:

Тизимлилик тамойили табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг умумий алоқадорлигини тасаввур қилиш ҳамда ўзлаштириш, турли вазифаларни ҳал этишни таъминлайди. Болалар учун яратилган қулай ва эркин шароит билимларни ўзлаштириш самарали кечишига хизмат қилади.

Машғулотда комфорт муҳит яратиш учун тарбияланувчилар мустақил танлаган фаолият кетма-кетлигини аниқлаш ва давомийлигини бажаришга имкон беради. Болалар ташаббускор ролини ижро этади, педагог-тарбиячилар кўрсатмасини бажарувчи эмас, балки фаол иштирокчига айланади. Болаларга ўз қизиқишини амалга ошириш, билим олиш ва мулоқотга бўлган эҳтиёжини қондириш, ўйин ва бошқа фаолият турларини танлаши учун зарур шароит яратиш талаб этилади. Педагог-тарбиячининг вазифаси болалар ўқув дастурини зарур ва керак бўлгани учун бажариш эмас, балки ўзи мустақил танлаши, ўз фаолиятини режалаштириш ва зарурлигини англашига ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиши керак. Болалар мажбурланмайди, уларнинг ихтиёрий фаолият юритишига имкон берилади.

Гендер тенглик тамойили болалар ўртасидаги тенгликни таъминлайди. Қиз бола ва ўғил болалар ҳамкорликда ўйнайди, берилган ўқув топшириқларини бирга бажаради. Болаларда ўзаро тенглик муносабати шаклланади. Болаларга атроф-оламни

таништириш ижтимоий йўналган мослашувчан муҳитда амалга оширилиши, яъни болаларга берилган ўқув материали мазмуни жамиятга эрта мослашиш имконини берувчи ўқув топшириқларига бой бўлиши керак. Болаларда ижтимоий компетентликни оптимал даражада шакллантириш учун коммуникатив шароит яратиш лозим.

Мослашувчанлик. Болаларни турли мазмундаги жамоат тартиби ўрнатилган муҳитга мослаштириш муҳим. Болаларни миллий кадриятлар асосида тарбиялаш баробарида бошқа миллат вакилларига толерант муносабатда бўлишга тайёрлаш кўзда тутилади. Болаларда кузатилаётган айрим оғишлар, ноодатий ҳаракат ва бошқа салбий сифатларни ташкилот ва оиланинг корпоратив ҳаморлигида ташкил этиладиган коррекцион-ривожлантирувчи жараёнда бартараф этилади.

Педагогик марказ тамойили мустақилликка ундовчи жараёни амалга ошириш, яъни машғулотларни фақат болаларнинг истак ва қизиқиши асосида ташкил этишни кўзлайди. Ўқув жараёнида болага ўз имкониятини кўпроқ намоён этиши учун шароит яратилади. Ушбу жараёнда тарбиячи болалар фаолиятини муайян мавзуга йўналтиради. Бунда ўйин ва суҳбатлардан фойдаланади.

Ўлчамлилик тамойили машғулотда болаларнинг имконияти, ёш хусусияти ва ўзлаштириш даражасига мос бўлиши лозимлигини англатади. Бунда машғулотларни турли замонавий, интерфаол усулларда олиб бориши алоҳида педагогик талаб ҳисобланади. Интерфаол усуллар болаларни тенгдоши билан фаол нутқий алоқани таъминлайди. Ўзаро таъсир кўрсатадиган турли метод ва шакллар “субъект-субъект”, “қайта алоқа”, “ўз-ўзини баҳолаш” муносабатини амалга оширишни кафолатлайди. Мактабгача таълимда болалар ҳаётини ташкил этишда тарбиячи ҳиссий тажрибани бойитиши, мустақил ўзлаштириши ҳамда фикрлаш учун имконият яратиши талаб этилади. Мулоқот жараёнида турли вазиятларда болалар ўртасида дўстона ва ижобий муносабат ўрнатилади. Тенгдошлар орасидаги низоли вазиятларни бартараф этиш ҳамда коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш имкони яратилади.

Атроф-олам билан таништиришда болаларни ривожланиш даражасига йўналтирилган вариатив таълимни яратиш ҳамда ўртоқлари ва катталар билан ҳамкорликдаги фаолиятни намоён эта олишнинг таъминлаш мақсадга мувофиқ. Болаларнинг тафаккури, нутқи, сўз бойлиги, мулоқотчанлик, ҳаёл ва ижодий қобилият, шахсий, жисмоний ва бадиий-эстетик жиҳатдан ривожлантирадиган турли фаолият турини ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланилади. Болалар ихтиёрига кўра танлаган ўйинларни қўллаб-қувватлаш, уни

бойитиш, ўйин вақти ва жиҳозларини таъминлаш, болаларнинг индивидуал ривожланишини баҳолаб бориш ва мониторинг ўтказиш атроф-оламга оид билимлар даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Атрофдаги олам билан таништириш машғулотида таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалар амалга оширилади. Таълимий вазифа болаларда янги билим ва компетенцияни шакллантиришдан иборат бўлади [4, 77].

Болалар таълимий ва бошқа вазиятларда инсон фаолиятига баҳо бера олиши, фаолият оқибатини башорат қила олиши, табиатни асраш бўйича ўз фикрини билдира олиши лозим.

Умумривожлантирувчи муҳитда болалар жисмонан чиникади, эмоционал ривожланади, психологик барқарорликка (идрок, диққат, мантикий-образли хотира, тафаккур, нутқий ва коммуникатив кўникмалар, ҳаёл, кузатувчанлик, қизиқувчанлик) эришиш имкониятига эга бўлади.

Билимлар даражаси қуйидагича бўлиши зарур:

- илк билимлар табиат ва ижтимоий муҳит ҳақида;
- табиатнинг инсонлар фаолиятидаги аҳамиятини очиб бериш, табиатни асраш асоси ва табиат неъматидан унумли фойдаланиш;
- болалар табиат ҳодисаларини ўрганишнинг қулай усулини билиши зарур;
- мактаб таълимида мустақил билим олишга тайёр бўлиши керак.

Предметлар билан амалий фаолият ташкил этилганда болаларда ўқув асбобидан фойдалана олиш (термометр, лупа), фазони идрок қилиш кўникмаларини эгаллаш (мўлжал олиш, “баланд”, “паст”, “катта”, “кичик”, “узоқ”, “яқин”ни фарқлаш), табиатни мустақил кузатиш ва оддий тажрибаларни бажариш, табиатни асрашга оид хатти-ҳаракатларни амалга ошириш (қушларга ин қуриш, ҳайвонларга овқат бериш, табиатни авайлашни оддий шаклини тарғиб қилиш), гигиена қоидалари ва табиатга тўғри муносабат, одобни тарбиялаш зарур.

Тарбиячи болаларни янги мавзуга оид тасаввурларини умумлаштириш, расм ёки лой ва пластилиндан нарсаси ясаш орқали ички кечинмаларини ифодалашга ўргатади.

Тарбияланувчиларнинг ақлий ривожланишга йўналтирилган ўқув фаолияти қуйидагилар билан уйғунлашади:

- ўсимлик ва ҳайвонларни фарқлай олиш, таҳлил қилиш, таққослаш, солиштириш;
 - ўзаро сабаб ва оқибат, воқеалар, табиатда рўй берадиган (шамол, ёмғир, сел ва б.) ва ижтимоий (хурсандлик, ёрдам бериш, хафа бўлиш ва ранжитиш, мактов) ҳодисаларни сўзлаб бериш;
 - хулоса чиқариш ва умумлаштириш.
- Юқорида санаб ўтилган ўқув фаолияти давоми-

да тарбиявий вазифалар амалга оширилади. Ақлий тарбия болаларга атроф-олам ҳақида тизимли билим беришни кўзлайди, бу эса илмий дунёқарашни шакллантиради. Дунёқараш таркибини қуйидагилар ўз ичига олади:

- табиат ва жамиятнинг яхлитлиги ва турлилиги;
- табиат ҳодисаларининг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлиги (масалан, ёмғир ёғиши, иссиқдан тупроқ таркиби ва сувнинг ўзгариши);
- табиат ва жамиятдаги ривожланиш ва уларнинг ўзгариши (кунлик ва мавсумий ўзгаришлар, табиат эволюцияси);
- табиатни ўрганишда умумийлик ва хусусийликка таяниш;
- табиатда инсон фаолиятининг табиат қонуниятига асосланиши.

Хулоса қилиб айтганда, болалар ўз атрофидаги жараёнлар билан танишиш орқали оламда табиийлик ва табиат барча нарсадан устун эканига ишонч ҳосил қилади, ижтимоий-табиий ҳодисаларни тўлиқ англаб етади. Шунингдек, ақлий қобилият ривожланади, доимо ўз билимини бойитишга эҳтиёж пайдо бўлади, мустақил фаолият юритишга интилади. Атроф-олам билан таништиришнинг муҳим йўналишларидан бири экологик тарбия ҳисобланади. 6-7 ёшдаги болаларда атроф-олам ҳақида мантикий фикрлашнинг элементар шакли, яъни анализ ва синтез қилиш қобилияти, нарса ва ҳодисалар, ўсимлик, ҳайвонларнинг умумий белгилари ва индивидуаллигини (масалан, ҳайвонларнинг озикланиши, яшаш тарзи, ҳаракатланиши, яшаш жойига кўра турини ажрата олиш ва умумий хулоса чиқариш) ажрата олиш кўникмаси ривожланади.

Болалар табиат ҳодисалари табиий сабаблар асосида (масалан: ҳайвон ва ўсимликларнинг ўсиши, нафас олиши, сув ва ёруғликка муҳтожлиги, инсонлар учун фойдали томони) содир бўлиши ҳақида хулоса чиқара олади. “Фан ва табиат” марказида ташкил этилган фаолият асосида болаларда кузатувчанлик, қизиқувчанлик, табиатни севиш ва масъулиятли бўлиш, унинг гўзаллигини ҳис қилиш каби лар шаклланади. Болаларни атроф-олам билан таништиришда тарбиячи турли метод ва шакллардан фойдаланиши ҳақида юқоридаги параграфларда ҳам тўхталган эдик. Тарбиячи шундай метод ва шаклларни танла-

ши керакки, улар орқали болалар атроф-олам ва табиатни бевосита идрок қилиши ҳамда билим ва кўникмаларни ўзлаштирсин. Ўқув-тарбиявий жараёнда энг самарали методлар кузатиш, тажриба, меҳнат ва ўйин фаолияти саналади. Шулар қаторида тарбиячи томонидан кенг қўлланадиган оғзаки методлар: ҳикоя, бадий асарларни ўқиб бериш, суҳбат, расмлар ва буюм-нарсаларни намоиш қилиш кенг қўлланади. Метод ва шакллар педагогик жараёнда аралаш қўлланиши, масалан: кузатиш суҳбат билан, ҳикоя бадий асарларни ўқиш билан, тажриба эса меҳнат билан амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Мақоламизга қуйидаги таклифлар билан якун ясашни жоиз билдик:

1. Тарбиячи қайси методни қўлласа ҳам, турли ёндашиши талаб этилади. Масалан, суҳбат вақтида кузатиш, яъни бола кузатилаётган объект ёнига келиб, уни ушлаб кўради, таниш белгилари билан таққослайди, ўйин элементини киритади, мақол ва тез айтишлардан фойдаланиш керак.

2. Биргина усулдан турлича фойдаланиш мумкин, масалан, кузатиш вақтида таққослаш, дидактик ўйин, суҳбат; ўйин методида кузатиш, суҳбатни қўллаш мумкин; кўрсатиш, тушунтириш меҳнат кўникмаларини ўргатишда тажрибалар ўтказиш мумкин. Усул, шакл, воситаларнинг самара бериши тарбиячининг маҳорати ва компетенцияси, педагогик-импровизацион ёндашувига боғлиқ.

3. Метод ва шакл, воситаларни танлаш “Илк қадам” ўқув дастури мазмунига мос равишда ташкилотнинг табиий муҳитига, кузатиш жойи ва объекти, шунингдек, болаларнинг ёши ва тўпланган тажрибаларига боғлиқ бўлиши лозим.

4. Боланинг атроф-оламини бевосита кузатиши мантикий машқ майдони ҳисобланади. Болада фикрлаш, натижада, боғланган нутқ ривожланади, грамматик қонуниятларни ўзлаштириш учун шароит яратилади.

5. Боланинг фикрлаши ва сўз бойлигини такомиллаштириш учун, аввало, унинг қалбини табиатнинг ёрқин намуналари билан бойитиш зарур, чунки нутқнинг мантикийлиги инсоннинг табиатни кузатиши давомида пайдо бўлади. Мантикнинг ўзи эса онгимизда табиат ҳодисалари ва буюмлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликда акс этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти. 8.12. 2020 й. 802-сон қарор.
2. Абобакирова О.Н. Современные проблемы и инновационные подходы подготовки детей к школе//Молодой ученый. –Москва, 2015ю. –№3.
3. Гогоберидзе А.Г., Солнцевой О.В. Дошкольная педагогика с основами методик воспитания и обучения. Учебник для вузов. 2-е изд. СПб.: Питер, 2016. –464 с.
4. Дыбина О.В. Ребёнок и окружающий мир. Программа и методические рекомендации. Для занятия с детьми 2-7 лет. Изд.Мозаика-синтез., 2017. –123 с.